Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
« 25 » 08 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик институти
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи..** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................... | 4 |
| 1.2. | ***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи............................................. | 4 |
| **2.** | ***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.........** | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ............................................................................................... | 6 |
| 2.2. | *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган малака талаблари ..................................... | 6 |
| **3.** | ***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар...............** | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ............................................................................................... | 8 |
| 3.2. | *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.......................................................................... | 10 |

# 1. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*** бакалавриат таълим йўналиши – гуманитар фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, таржимашунослик,

лингвистика, адабиётшуносликка оид тадкикотлар ўтказиш, таржимашунослик истикболини белгилаш, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган илмий ва таржимонлик соҳаларига доир усуллар, услубларни ишлаб чиқиш; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ихтисослигига доир фанлар билан бир каторда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш; корхоналарда таржима бўйича хизмат кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларида таржимонлик ва муҳаррирлик қилиш, давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, турли давлат ва нодавлат муассасалари, жумладан, туризм билан боғлиқ муассасаларда таржима тизимини ташкиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билим доираси ва касбий фаолиятларининг объектлари:**

ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари ва луғат бойлиги, мазкур тилда бадиий ва илмий адабиётларни таржима қилиш, ўрганилаётган тилдаги таржималар ва уларнинг ривожланиши, синхрон таржима ва маданиятлараро мулоқот жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*–умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мутахассисликка оид фанлар ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан дарс бериш;*

*– таълим тизимида кабинет мудири, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

*– ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*

*–давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан таржимонлик қилиш;*

*– архивларда, ахборот-ресурс марказларида, нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида муҳаррир, мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаш;*

*– қўлёзма фондлари, турли тадбиркорлик субъектлари, нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларда фаолият олиб бориш;*

*– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказлари, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ишлаш;*

*– турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш.*

**1.2.3. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *таржимонлик;*
- *таржимонлик ва муҳаррирлик (оммавий ахборот воситаларида);*
- *ташкилий–бошқарув;*
- *хизмат кўрсатиш;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

***5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари бўйича)*** таълим йўналишини тугатган бакалавр умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5А120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича)* магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар, табиий ва илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Таржимонлик фаолиятида:**

– терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– бадиий таржима ишларини ташкил этиш;

– ўргатилаётган тилларни жадаллашган усулда ўргатиш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

– халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш каби қобилиятларга эга бўлиш;

– амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолиятида (оммавий ахборот воситаларида):**

– матбуот, радио ва телевидение компанияларда, киностудияларда матнларни она тилига ва она тилидан чет тилларга таржима қила олиш;

– матнларни таҳрир қилиш;

– чет тилларидаги газета, журналларда таржимон, муҳаррир ва адабий ходим сифатида фаолит юритиш;

– телевидениеда чет тилларидаги кўрсатувларнинг бошловчиси фаолиятини амалга ошириш;

– радиода чет тилларидаги эшиттиришларни олиб борадиган сухандонлик қилиш;

– турли нутқ услубларини тўғри қўллаш;

– имло, пунктуация, интонация ва услуб қоидаларини тўғри қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимонлик фаолиятини ташкил қилиш;

– таржиманинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– таржима ва таълим жараёнида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш;

– таржима ва таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш;

– ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– таълим жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

– турли муассаларда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– таржима бюроларида турли ҳужжатларни таржима қилиш;

– турли фирмаларда таржимонлик қилиш;

– туристларга йўлбошловчилик қилиш;

– ҳаво йўлларида сервис ходими сифатида фаолият юритиш;

– меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;

– хорижий делегацияларга таржимонлик хизмати кўрсатиш;

– таржима дастурларини ишлаб чиқиш;

– интернет тармоғи орқали таржима хизматларини йўлга қўйиш;

– таржимонлик фаолиятида касбий этика кодексига риоя қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихи ҳамда маданиятига оид манбалардан маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

– умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенлик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

– маҳаллаларда маънавий-маърифий ишлар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

*5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;
умумкасбий;
ихтисослик;
қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўрганилаётган мамлакат тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

талабаларнинг асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “А1 бошлангич” босқичидан бошлаб “В2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўникмалар доирасидаги билимларни қамраб олишга қаратилиши;

асосий ўрганилаётган тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шаклларини; тилнинг илмий тавсифи, ёзув, график хусусиятлари, орфографияси, пунктуацияси, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятлари; содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятлари; илмий атамалар тизими, лингвистика ва адабиётшуносликка тегишли тушунчаларни билиши;

асосий ўрганилаётган тилдаги адабий матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиш, асосий ўрганилаётган тилда чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориш, асосий ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш кўникмаларига эга бўлиши;

таржима назарияси, таржима турлари, таржиманинг лексик-грамматик, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

таржимашуносликда пайдо бўлган қарашлар ва муаммоларни таҳлил қилиш, ёзма ва оғзаки таржиманинг асосий усулларидан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

таржимани қабул қилинган таржима қилиш методикаси қоидаларига тўғри келишини баҳолаши ва она тили ва чет тилига қилинган таржима материалларини таҳлил қилиши;

тилшунослик ва адабиётшуносликнинг асосий назариялари, тилнинг функциялари, тил ва нутқ масалалари, тилларнинг генеалогик ва типологик таснифи, бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар, портретларни билиши;

турли давлат, нодавлат ва маъмурий ташкилотларда таржима қилиш жараёнини ташкиллаштириши ва таржима самарадорлигини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

асосий ўрганилаётган шарқ тилида чет эллик мутахассислар билан муайян соҳаларда ва умумий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориши;

маданиятлараро мулоқотни самарали амалга оширишда маданиятлараро салоҳиятга эга бўлиши, миллий-маданий хусусиятларни маънавий қадриятлар, тил, дискурсив, хулқий-ахлоқий жиҳатдан аниқлашда маданиятлараро ўлчовларга риоя қилиши, маданиятлараро тўқнашувларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиши;

мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш, ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир кўрсатиш ва ҳамкорликда ишлашни шакллантириши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий ва амалий таълим - | 59,8%; |
| аттестация - | 8,8%; |
| таътил - | 17,6%; |
| малакавий амалиёт - | 10,8%; |
| битирув малакавий иши - | 2,9%. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 25,2%; |
| умумкасбий фанлар | 48,4%; |
| ихтисослик фанлар | 20,4%; |
| қўшимча фанлар | 6,0%. |

**Илова**

***5120200 –Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)* йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининиг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1662** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 184 |
| 1.06 | Хорижий тил | 880 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Тил таълимида АКТ | 122 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3186** |
| 2.01 | Асосий шарқ тили | 2126 |
| 2.02 | Тилшунослик | 98 |
| 2.03 | Адабиётшунослик | 98 |
| 2.04 | Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти | 246 |
| 2.05 | Ҳозирги ўзбек (рус) адабий тили | 306 |
| 2.06 | Мамлакатшунослик | 184 |
| *2.07* | *Танлов фанлари* | *128* |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1344** |
| 3.01 | Таржима назарияси | 184 |
| 3.02 | Таржима тарихи | 124 |
| 3.03 | Маданиятлараро мулоқот | 72 |
| 3.04 | Таржима стилистикаси ва танқиди | 144 |
| 3.05 | Бадиий таржима | 62 |
| 3.06 | Синхрон таржима | 328 |
| 3.07 | Нутқ маданияти | 62 |
| 3.08 | Илмий иш асослари (аннотация, рефератлаш, интерпретация) | 62 |
| *3.09* | *Танлов фанлари* | *306* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **396** |
| | ***Жами*** | **6588** |
| | Малакавий амалиёт | 1188 |
| | Битирув малакавий иши | 324 |
| | Аттестациялар | 972 |
| | ***Жами*** | **2484** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқув цикли, асосий ўрганилаётган тил, таржимашунослик, таржима назарияси ва амалиёти, синхрон таржима, оғзаки таржима, ёзма таржима, тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари, лексик-грамматик хусусиятлари, адабий матн, жонли мулоқот, маъруза, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммолар, таржима қилиш методикаси, тилшунослик, адабиётшунослик, тилнинг функциялари, тил ва нутқ масалалари, тилларнинг генеалогик ва типологик таснифи, бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар, портретлар, маданиятлараро мулоқот, миллий-маданий хусусиятлар, маданиятлараро тўқнашувлар, мулоқотга мойиллик, касбий мустақиллик.

*5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)*
**таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1. | Маннонов Абдураҳим Муталович | Раис, ТДШИ ректори, ф.ф.д., профессор | |
| | **Аъзолари:** | | |
| 1. | Абдуллаев Нодир Абдулхаевич | ТДШИ Ўқув ишлари бўйича проректор, сиёс.ф.н. | |
| 2. | Умарова Саодат Маҳкамовна | ТДШИ Ўқув-услубий бўлим бошлиғи | |
| 3. | Омонов Қудрат Шарипович | ТДШИ Шарқ филологияси факультети декани,ф.ф.д., доцент | |
| 4. | Усманова Шоира Рустамовна | ТДШИ Таржимашунослик кафедраси мудири, ф.ф.д., профессор | |
| 5. | Ҳамидов Хайрулла Худоёрович | ТДШИ Таржимашунослик кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 6. | Очилов Эргаш Зокирович | ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, ф.ф.н. | |

М.Ў.

**Ректор** **А. Маннонов**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.А. Абдуллаев**

**Декан** **Қ.Ш. Омонов**

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Ректор____________ **А.Маннонов**

2018 йил «__6__» ___август___

М.Ў.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

Раис ____________ **С.Саидов**

2018 йил «__6__» ___август___

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

Директор____________ **Б.Ҳ.Раҳимов**

2018 йил «____» ___август___

М.Ў.

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Ректор____________ **Ғ. Рахимов**

2018 йил «__10__» ___август___

М.Ў.

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Ректор ____________ **Ш. Сирожиддинов**

2018 йил «__10__» ___август___

М.Ў.

**Муҳаммад Юсуф номли жамоат фонди**

Раис ____________ **Н.Саломова**

2018 йил «__10__» ___август___

М.Ў.

Муҳаммад Юсуф номли жамоат фонди бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| т/р | Муҳаммад Юсуф номли жамоат фонди учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Муҳаммад Юсуф номли жамоат фондининг бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1.<br><br>2. | 5120200<br><br>5А120201 | Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)<br><br>Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича) | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– таржимашуносликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;<br>– турли жанрларга мансуб асарларни таржима қилиш ва уларга алоқадор муаммоларни таҳлил қилиш;<br>– чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қилиш;<br>– бадиий таржима ишларини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш;<br>– терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;<br>– матнларни таҳрир қилиш;<br>– она тили ва хорижий тилларда фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;<br>– ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши;<br>– соҳага оид мақолалар ёза билиш;<br>– барча турдаги хатларни ёза билиш;<br>– барча турдаги маълумотларни ёза олиш;<br>– соҳага оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш;<br>– соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;<br>– турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;<br>– тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш;<br>– соҳага оид мавзулар бўйича тақдимот ва маърузалар қила олиш;<br>– халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш;<br>– амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;<br>– таржима дастурларини ишлаб чиқиш. |

Муҳаммад Юсуф номли жамоат фонди раиси,
“Олтин қалам” газетаси бош муҳаррири

MUHAMMAD YUSUF fondi

Назира Саломова

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи
бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| т/р | Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1. | 5120200 | Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;<br>– ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;<br>– глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>– маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда умуминсоний қадриятлар, мехр-мурувват, багрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;<br>– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;<br>– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;<br>– ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қила бориш, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиш ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар қилиш, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дифференциал таълимни йўлга қўя олиш, ўқув жараёни билан боғлиқ барча хужжатларни юритиш;<br>– гуманитар соҳа фанларини ўқитишда намунавий инновацион-технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;<br>– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;<br>– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш; |
| 2. | 5А120201 | Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича) | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, ҳали оммалашиб улгурмаган ўқув машғулотларини ўтказиш;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик ҳамда техник воситаларидан фойдаланиш;<br>– умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва семинар машғулотларини ўтказиш;<br>– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;<br>– узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Малака талаблари, ўқув дастурлари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. |

Тошкент Давлат шарқшунослик
институти қошидаги Юнусобод академик лицейи
директори Х.Султонов

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| т/р | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1.<br><br>2. | 5120200<br><br>5А120201 | Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)<br><br>Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича) | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– таржимашуносликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;<br>– турли жанрларга мансуб асарларни таржима қилиш ва уларга алоқадор муаммоларни таҳлил қилиш;<br>– чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қилиш;<br>– бадиий таржима ишларини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш;<br>– терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;<br>– матнларни таҳрир қилиш;<br>– она тили ва хорижий тилларда фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;<br>– ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши;<br>– соҳага оид мақолалар ёза билиш;<br>– барча турдаги хатларни ёза билиш;<br>– барча турдаги маълумотларни ёза олиш;<br>– соҳага оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш;<br>– соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;<br>– турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;<br>– тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш;<br>– соҳага оид мавзулар бўйича тақдимот ва маърузалар қила олиш;<br>– халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш;<br>– амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;<br>– таржима дастурларини ишлаб чиқиш;<br>– интернет тармоғи орқали таржима хизматларини йўлга қўйиш. |

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби — М. Абдусаматов

O'ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI · СОЮЗ ПИСАТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА · UNION OF WRITERS OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-хх-сонли топшириғи асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг турдош ОТМлари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. “10” 08 2018 й

**Қатнашдилар:**
**ТДШИ дан:** А.М.Маннонов – Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, С.М.Умарова – ТДШИ Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, Қ.Омонов – Шарқ филологияси факультети декани, Ч.Ҳусанов – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсати факультети декани; И.Бекмуратов – Тарих ва фалсафа факультети декани; С.Ҳошимова – Хитойшунослик факультети декани; Р.Алимухамедов – Мумтоз филология кафедраси мудири, Р.Р.Алимова – МОХТМ кафедраси мудири, Т.С.Расулов – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти кафедраси мудири, Д.А.Пўлатова – Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси мудири, У.У.Муҳибова – Жанубий Осиё тиллари кафедраси мудири, Н.Э.Каримова – Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти кафедраси мудири, Д.Сайфуллаев – Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси мудири, Ш.Усмонова - Таржимашунослик кафедраси мудири.
Шунингдек, ЎзМУ, ЖИДУ, ТИУ, ЎзДЖТУдан таклиф этилган етакчи профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъмиинлаш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институти ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари Малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси:

*Таълим йўналишлари:*

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари бўйича);
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича);
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (хитой филологияси);
5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича);
5120300 – Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича);
5120300 – Тарих (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича);
5120700 – Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича);
5120700 – Жаҳон сиёсати (Хитой Халқ Республикаси);
5120800 – Шарқ фалсафаси ва маданияти;
5231000 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича).

*Магистратура мутахассисликлари:*

5А120101 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишлари бўйича);
5А120102 – Лингвистика (шарқ тиллари бўйича);
5А120103 – Мумтоз филология (турлари бўйича);
5А120104 – Матншунослик ва адабий манбашунослик;
5А120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича);

5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича);

5A120304 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича);

5A120701 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат;

5A120801 – Шарқ фалсафаси ва маданияти;

5A231000 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);

5A231101 – Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича).

**Сўзга чиқдилар: А.Маннонов** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Репубиликаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-хх-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўгрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ, хорижий ОТМлар таржрибасини ўрганиш натижасида 10 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 11 та магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида ахборот берди, уни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди: Н.Абдуллаев** – Институтдаги барча кафедралар мутахассислари ва ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ТИУ, ЖИДУ ижодий ишчи гуруҳлари аъзоларини жалб этган ҳолда амалдаги Малака талаблари замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-услубий талаблар асосида таҳлил этилди, чет элдаги мос таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим олиб бориладиган ОТМлар таълим тизими синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Мазкур таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича турдош этиб белгиланган ОТМларнинг тегишли кафедралари билан боғланилиб, улардан таклифлар олинди ва Малака талаблари ҳамда ўқув режалар лойиҳаси тайёрланди. Ўқув режалардаги бир қатор фанлар янгиланди ва қолган фанларнинг мазмуни тубдан ўзгартирилди. Ўқув режаларини ишлаб чиқилишида фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий ва семинар машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари белгиланган меъёрларга мос шакллантирилди.

Ушбу Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълимга қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттиради ва меъёр талабларига жавоб беради, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, халқ хўжалигида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Малака талаблари республикадаги асосий кадрлар буюртмачи ва истеъмолчиси бўлган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари, турдош олий таълим муассасалари билан келишилган.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари томонидан кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган 10 та таълим йўналишлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режалари маъқуллансин.

